



Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсди

2018 йилнинг январь–сентябрида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 244 343,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь–сентябрида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 244 343,7 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 5,2 фоизга ўсди. ЯИМ дефлятори индекси 2017 йилнинг январь–сентябридаги нархларга нисбатан 131,6 фоизни ташкил этди. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълум қилди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 7 433 сўмни ташкил этди ва бу

Январь – сентябрда ЯИМнинг физик ҳажми ва дефлятори индекслари динамикаси куйидаги маълумотлар билан ифодаланади



кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 фоизга юқоридир.

ЎзА

2018 йилнинг III чорагида иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳолат ва кутилмаларни ўрганиш натижалари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жорий йилнинг III чораги якуни бўйича реал сектор корхоналари билан ўтказилган сўров натижалари, умуман олганда, мазкур чорак давомида мамлакатда иқтисодий фаоллик даражасининг II чоракка нисбатан ошганлигини ҳамда иқтисодий кутилмаларнинг яхшиланганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, мазкур чоракда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ҳамда экспорт ҳажмининг реал ҳисобда ошганлигини маълум қилган респондент корхона ва ташкилотларнинг улуши II чоракка нисбатан ошган.

Шунингдек, жорий йил якуни бўйича маҳсулотлар (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ҳамда экспорт ҳажмининг 2017 йилга нисбатан ўсишини прогноз қилаётган корхона ва ташкилотлар

улуши ҳам аввалги чоракка нисбатан кўпайган.

Ушбу натижалар билан бир қаторда, сўров давомида иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқаришнинг янада юқори суръатларда ўсишига тўсқинлик қилаётган омилларнинг сақланиб қолаётганлиги ҳамда корхона ва ташкилотлар молиявий-иқтисодий фаолиятининг айрим кўрсаткичларининг нисбатан пасайганлиги қайд этилган.

(Давоми 4-бетда).

Тўлов тизимининг янги бренди яратилади

2018 йил 19 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан миллий чакана тўлов тизимини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, аҳоли фикрига асосланган тўлов тизимининг брендини яратиш мақсадида жорий йилнинг 24 сентябрь куни Марказий банк янги ташкил этилаётган тўлов тизимининг номини аниқлаш бўйича танлов эълон қилди.

Танловнинг биринчи bosқичида 2,4 минг нафар фуқаро ўз таклифини билдирди. Улар орасидан энг кўп билдирилган учта ном – «Хумо», «Адрас» ва «Анор» танлаб олинди.

Танловнинг иккинчи bosқичида, юқорида келтирилган учта номдан би-

рига овоз беришда 4,0 мингга яқин респондент иштирок этди. Овоз бериш натижаларига кўра, биринчи ўринни 45,3% овоз билан «Хумо» номи эгаллади.

Шу муносабат билан танланган ғолиб «Хумо» номини ҳисобга олган ҳолда миллий чакана тўлов тизимининг брендини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилади.

Марказий банк миллий чакана тўлов тизимининг брендини танлашда қатнашган барча ватандошларимизга миннатдорчилик билдиради.

cbu.uz

«Микрокредитбанк»дан халқаро семинар

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан Италия куён етиштирувчилар ассоциацияси ҳамда Россиянинг мазкур соҳадаги экспертлари иштирокида Самарқанд вилоятида халқаро семинар ташкил этилди.



Ўзбекистонда саноат усулида куён етиштиришнинг замонавий жиҳатларига қаратилган мазкур семинарда юртимизнинг 40 дан ортиқ куён етиштиришга ихтисослашган агрофирма раҳбарлари, куёнчилик бўйича маҳаллий мутахассислар ва ҳаваскорлар иштирок этди.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда куёнчилик соҳасини ривож-

лантириш учун «Микрокредитбанк» томонидан самарали ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, мазкур соҳага банк томонидан ажратилаётган кредитлар куёнчилик агрофирмаларини замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ва куён етиштиришнинг жадал суръатларда ўсишига ҳамда янги иш ўринлари яратилишига имкон бермоқда.

(Давоми 3-бетда).

УШБУ СОНДА:

Банк хизматлари
Тижорат банкларидан хабарлар
2-бет.



Ислоҳотлар йўлида
Тижорат банкларидан хунармандлар учун имтиёзли кредитлар
3-бет.

Статистика ва таҳлил
«Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси» АЖ ва «Тошкент» РФБ савдоларидаги ўзгаришлар
6-7-бетлар.



ҲАМКОРЛИК

«Ипотека-банк» Туркия қурилиш компанияси билан битим имзолади

Юртимизда замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида «Ипотека-банк» АТИБнинг Қурилиш департаменти ва уй-жой қурилишини молиялаштириш бошқармаси томонидан хорижнинг илғор тажрибалири доимий равишда ўрганиб келинмоқда.



ги учрашувда асосий эътибор кўп қаватли арзон турар жойлар қурилиши соҳасига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш масалаларига қаратилиб, сейсмик чидамли бўлган 16 қаватли уйлар қуриш бўйича ҳам фикрлар алмашилди. Шунингдек, меҳмонлар ўз тажриба ва амалиётлари билан ўртоқлашиб, Ўзбекистонда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда илғор технологияларни жорий этиш масалалари бўйича ўз таклифларини билдирди.

Ана шу изланишлар самараси ўлароқ жаҳондаги етакчи қурилиш компаниялари билан кенг ҳамкорликлар йўлга қўйилаётди.

Яқинда «Ипотека-банк» АТИБ бош офисиди Туркиянинг «Истанбул Чарши» (Istanbul Charshi) қурилиш компанияси вакиллари ва банк раҳбарияти ўртасида бўлиб ўтган учрашув ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Чунки Туркия қурилиш компаниялари жаҳонда бунёдкорлик ишлари бўйича етакчилар қаторида туради.

Ҳамкорлик доирасида-

нингдек, кичик майдонда кўп қаватли уйлар қуриб, аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласини ҳал этишга ҳам кўмаклашади.

Музокаралар якунида икки томонлама «Ҳамкорлик тўғрисидаги битим» имзоланди. Унга кўра, туркиялик экспертлар кўп қаватли уй-жойларни қуриш бўйича лойиҳаларни ўрганиб чиқариш билан мазкур лойиҳаларга инвестиция киритиш бўйича таклиф беради. Бундан ташқари, қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича тавсия ва туркиялик қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик борасида аниқ таклифлар ишлаб чиқади.

Банк ахборот хизмати

«Ҳамкорбанк» ва «Газпромбанк» келишуви

Яқинда «Ҳамкорбанк» АТБ ва Россиянинг «Газпромбанк» АЖ ўртасида ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро келишув имзоланди. Мазкур келишувнинг асосий мақсади банклар ўртасидаги ҳамкорлик йўналишларини белгилаш ва Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган лойиҳаларга инвестициялар киритишдир.

Шунингдек, битим мижозларнинг манфаатлари доирасида брокерлик хизматлари соҳасида ҳамкорлик қилиш, онлайн-савдо ва «Ҳамкорбанк» томонидан таклиф қилинадиган хизмат турларининг кенгайтишига самарали таъсир этувчи очик бозорларга кириб боришни ҳам кўзда тутди.

Учрашув мобайнида томонлар транспорт, тиббиёт, уй-жой коммунал, агросаноат, ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш бўйича ўз қизиқишларини билдиришди ва ҳамкорликда молиялаштирилувчи соҳалар сифатида қишлоқ хўжалиги ва енгил саноат белгилаб олинди.

Шунингдек, томонлар музокаралар чоғида Москва фонд биржаси ва Россия Федерацияси ташқарисидидаги ташкилий савдо майдончаларида Россия рубли ва бошқа хорижий валюталарда акс этган «Ҳамкорбанк» облигацияларини жойлаштиришга тайёргарликни муҳокама қилишди. Бу лойиҳа, ўз навбатида, «Ҳамкорбанк»нинг инвестицион жозибadorлигини халқаро миқёсида оширади ва хори-



жий молия институтларининг «Ҳамкорбанк»га бўлган сармоявий эътиборини кучайтиради. Келгусида «Газпромбанк» мутахассислари томонидан «Ҳамкорбанк» ходимларини ўқитиш, банк ходимлари учун семинар ва амалиётлар ташкил қилиш режалаштирилган.

finance.uz

FINANCEUZ хабар қилади

БАНКЛАРДАН ЯНГИЛИКЛАР

«AGROEKSPRESS» — ИШОНЧЛИ ХИЗМАТ!

Бугун деярли барча банкларда қатор хорижий пул ўтказмалари бўйича хизмат йўлга қўйилган. Лекин республиканинг ички ҳудудида пул ўтказиш хизмати борми?

Ақсарият аҳоли республикамизнинг бирор жойига жўнатма юбормоқчи бўлса, уша йўналишда қатновчи таксилар хизматидан фойдаланади. Айниқса, бу турли шаҳарларда таҳсил олаётган талабаларнинг ота-оналари учун одат тусига кирган. Бироқ бу каби хизматларнинг тезкорлиги ва ишончилиги тула кафолатланмаган. Қимдир лафзида туради, кимдир... Ана шу томонлама халққа кўмакчи бўлишни истаган «Агробанк» АТБ мазкур муаммага ечим топди.

Банк филиаллари ўртасида чекланмаган миқдорда маблағларни ўтказиш имконини берувчи «AgroEkspress» хизматини йўлга қўйди. Унга кўра, эндиликда юртимиз бўйлаб миллий валютада нақд пул ўтказмаларини осонгина амалга ошириш мумкин. Хизматдан фойдаланиш учун фақатгина шахсни тасдиқловчи ҳужжат талаб этилади, холос. Ўтказманинг минимал миқдори 100 минг сўмни ташкил этиб, максимал миқдори чекланмаган.

Хорижий пул ўтказмалари каби мазкур ўтказмада ҳам аниқ фоизларда қўшимча ҳақлар белгиланган. Масалан, 100 мингдан 499 минг сўмгача 3%, 500 мингдан 999 минггача 2%, 1 млн.дан юқорисига 1% миқдорда хизмат ҳақи тўланади. Асосийси, жўнатмоқчи бўлган пулингиз тез ва ишончли ҳолда олувчининг қўлига етиб боради.

«Миллий» мобил иловаси имкониятлари кенгайтирилди



Эндиликда Ўзмиллийбанк «Миллий» мобил иловасининг «Бюджет тўловлари» бўлими орқали «Ягона дарча хизматлари» тўловларини амалга ошириш имкони яратилди. Бунинг учун мобил иловадан «Бюджет тўловлари» бўлимини очиш ва «Ягона дарча хизматлари» қаторини танлаш кифоя қилади. Шунингдек, ушбу илова орқали Савдо-саноат палатасига ҳамда «Хунармандлар» уюшмаси аъзолигига тўловларни амалга ошириш мумкин.

Энди инфокиоскалардан ҳам пул ўтказиш мумкин

Эндиликда фуқаролар UNISTREAM ва CONTACT пул ўтказмаларини банк филиаллари ва 24/7 Smartoffice (ақлли офис)ларида ўрнатилган инфокиоскалар орқали ҳам амалга оширишлари мумкин.

Бунинг учун мижоз «Капиталбанк» АТБнинг исталган VISA картасига эга бўлиши зарур. Пул ўтказмасини банк банкоматларининг ўзида дарҳол, қулай валютада (сўм ёки АҚШ доллари кўринишида) нақдлаштириб олиш имкони ҳам мавжуд.

«АЛОҚАБАНК» АТБДАН ЯНГИ ОМОНАТ

«Алоқабанк» АТБ ўз мижозларига янги омонат тури — «Фаровон»ни таклиф этмоқда. Мазкур омонат нақд ва нақдсиз пул кўринишида қабул қилиниб, қайтариш вақти етганда худди шу шаклда қайтарилади.

13 ойдан 36 ойгача муддатда хизмат кўрсатувчи «Фаровон» омонатининг йиллик фоизи 18-19% ни ташкил этади.

ТУНУ КУН ХИЗМАТГА ШАЙ

«Orient Finans Bank» бош офиси қошида 24 соат хизмат кўрсатувчи янги шохобча ишга туширилди. Ушбу шохобчада ўрнатилган инфокиоскалар орқали UZCARD пластик карталари билан тўловларни амалга ошириш ва картадаги маблағни нақд сўмга алмаштириш, «VISA», «UnionPay» ҳамда OFBнинг «Mastercard» ва «Maestro» карталаридаги маблағни нақд доллар кўринишига алмаштириш хизматлари мавжуд.

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

«Микрокредитбанк»дан
халқаро семинар(Давоми. Бошланиши
1-бетда).

2015–2018 йиллар давомида банк томонидан агрофирмаларга 31,3 млрд. сўм, аҳолига хонадонда қуён боқиш учун 3,6 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилган. Ҳозирги кунда мазкур агрофирмаларда боқилаётган қуёнлар сони 132 минг бошдан ортиб, тез орада қуёнчилик соҳаси мамлакатнинг гўшт ва мўйна ишлаб чиқариш соҳаларида муносиб ўрин эгаллаши кутилмоқда.

Бундан ташқари, банк томонидан жаҳонда қуёнчиликда илгор бўлган давлатларнинг тажрибалари ҳам мунтазам ўрганилмоқда. Самарқанд шаҳрида ташкил этилган мазкур халқаро семинар ҳам бу борадаги ишларнинг узвий давоми бўлди. Унда «Микрокредитбанк» АТБ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Расулов сўз олиб, мамлакатимизда қуёнчилик соҳасида амалга оширилган лойиҳалар ва эришилаётган натижаларга тўхталиб ўтди.

Шунингдек, семинарда Италиянинг Алдо Моро университети профессори Винченсо Туфарелли ҳамда Италия қуён етиштирувчилар ассоциацияси директори Доктор Мишел Шиаветтолар тақдимотлар қилиб, унда қуёнларнинг асосий касалликлари – даволашда сув тизимининг ўрни, жониворларни боқиш ва озуқа паталогияси ҳамда қуёнчилик фермаларини ташкил этиш, гўшт экспортга талаблар мавзуида маърузалар қилишди.

Тадбир доирасида Самарқанд шаҳридаги «Zlato Praga» ҳамда Тошкент шаҳридаги «LaPiyoла» ресторанларида «Микрокредитбанк» АТБ томонидан «Қуён гўшtidан таомлар» номли маҳорат дарслари ташкил этилди. Унда Италиянинг тўй маросимлари академияси ошпазлари – Даниел Борелли ва Френсеско Паоло Морра ўзбекистонлик ҳамкасбларига Италияда қуён гўшtidан тайёрланадиган таомлардан намуналар кўрсатди.

Банк ахборот хизмати

Ҳунармандлар
«қаноти»

Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби қўл меҳнатига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ҳунармандчилик билан шуғулланишни дилига туккан ҳар бир фуқарога барча имкониятлар яратилаётир.

Утган йилнинг 17 ноябрида аҳолимиз, айниқса, ёшлар, аёллар, кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида имзоланган «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонида кўра, юртимиз ҳунармандлари янада кўпроқ имтиёзларга эга бўлдилар.

Жумладан, ҳунармандчилик субъектларини жиҳозлар билан узлуксиз таъминлаш, имтиёзли кредитлар бериш, ҳунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш ҳамда уларни ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқлардан озод этиш каби қатор имкониятлар тақдим этилди. Фармоннинг амалдаги исботи ўларок, ўтган йилдан бошлаб самарали фаолият юритаётган «Халқ банки» АТБ, «Агробанк» АТБ ҳамда

лаб қўни-қўшнилари, қавм-қариндошларнинг буюртмаларини тикди, бора-бора корхоналардан таклиф ола бошлади. Шу тарихи ота-онаси бошчилигида кўп тармоқли хизмат кўрсатишга йўналтирилган «DiARX» номли оилавий корхонани ташкил этишди. Корхона йўналишлари эса оила аъзолари ўртасида тақсимланди — фитнес ва бокс зали ақсининг, пишириқ цехи онасининг, тикув цехи эса қахрамонимизнинг чекига тушди.

Шундан буён тикув цехида Рухсорохоннинг эскизлари асосида миллий либослар, кашта нақшлари туширилган нимча, камзул, кўйлақлар тикилади. Либослар нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижлик меҳмонлар эътиборига тушди, мижозлар сони кундан-кунга ортиди. Ҳатто улар ҳар ой пойтахт меҳмонхоналаридаги савдо расталарида сотилиб, харидорлар орасида қўлма-қўл бўлади.



«Микрокредитбанк» АТБлар томонидан ҳунармандлар учун 2,5 фоиз йиллик ставкага эга имтиёзли 2 йиллик микрокредит линиялари очилиб, мазкур кредит миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорда белгиланди. Шу билан бир қаторда, ҳунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасаруф этиш, жумладан, банк ҳисобрақамларидан чет эл валютасини нақд ечиб олиш ҳуқуқи ҳам берилмоқда.

Албатта, ушбу имтиёзларни эшитган киши борки, айниқса у куч-ғайратга тўла, янги гоё ва лойиҳаларга эга ёш бўлса, мазкур имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйишни истаиди.

Ёшлигидан она касбига меҳр қўйган қашқадарёлик тадбиркор қиз — Рухсоро Асланова ҳам тинимсиз изланишлари, сабр-тоқати, ҳалол меҳнати билан бирга мазкур соҳада яратилаётган имкониятлар сабаб бугун моҳир ҳунарманд сифатида элга танилди. Даст-

Бундан уч йил аввал «Ёш тадбиркор — элга мададкор» танлови доирасида «Асакабанк»дан йиллик 9 фоизли 44 миллион сўм кредит олгандим, — дейди Рухсоро Асланова. — Бу маблағни янги йўналиш — кашта нусхали футболкалар ишлаб чиқаришга йўналтирдим ва бу ўз самарасини берди. Яқинда бандан олган қарзларимиз уздим. Эндилда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида «Ёшлар — келажгимиз» давлат дастури асосида АТБ «Хамкорбанк»дан ҳам йиллик 7 фоизли 300 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Ушбу маблағлар орқали корхонамиз иши янада раванқ топади, деган умиддамиз.

Дарҳақиқат, ҳунардан ризқ унар. Ушбу пурмаъно ҳикматнинг ҳаётдаги исботини қаҳрамонимиз меҳнати мисолида ҳам кўрдик. Бу йўлда уларга тиргак бўлаётган банклар кўмагини эса ҳунармандлар қанотига менгаш мумкин. Зеро, қанот кучли бўлсагина, парвоз бехатар ва омадли кечади.

Г. ТУРСУНПУЛОВА

Гидропоника – сердаромад усул

Манглайини қуёш ўпган сирдарёлик дехқонлар кўп жабҳада бошқалардан илдамлаб кетаяпти. Улар қиш ва баҳор мавсумида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аҳоли дастурхонига етказиб беришда ҳам, инновацион технологиялардан фойдаланишда ҳам биринчилар қаторида. Мукамал кўринишдаги гидропоника усулидаги йирик иссиқхоналарнинг дастлабкиси ҳам шу заминда кўз очган, десак адашмаймиз.

Ана шундай сўнгги технологиялар асосида Сирдарё вилояти Ховос туманида иш бошлаган «Ҳожи Гадейбой ота» кўп тармоқли фермер хўжалигининг овозаси бугун узоқ-яқинга етди. Сабаби, гидропоника усулида барпо этилган иссиқхонада етиштирилаётган серҳосил помидорларнинг мазаси оғизда қолади.

Иссиқхоналарда оддий усулда етиштирилган помидор кўчатининг бир тулипдан 2,5–3 килограммдан ҳосил олинса, гидропоника усулида ҳосилдорлик 10–12 килограммгача етади. Бу экин ҳосилдорлиги оддий иссиқхоналардагига нисбатан 2–2,5 баравар кўп деганидир, — дейди «Ҳожи Гадейбой ота» фермер хўжалиги иш юритувчиси Алишер Шокиров. — Гидропоникага асосланган иссиқхонада помидор кўчатлари уч ойда пишиб-етилиб, 7–8 ой узлуксиз ҳосил беради. Бунда тупроқ ва гўнган мутлақо фойдаланилмайди. Лекин ўсимлик сув ва минерал озиқ моддалар билан вақтида таъминланади. Оддий иссиқхоналарга нисбатан сув 60–70, иссиқлик эса 25–30 фоизгача тежаллади. Экиннинг пишиб етилиши 20–30 кунга қисқариб, ҳосил олиш даври 50–60 кунга узаяди.

Қайд этиш жоизки, мазкур иссиқхонани барпо этишда АТБ «Хамкорбанк»нинг 500 минг АҚШ долларилек сармоёси асқотди. Корея технологияси асосида барпо этилган мазкур бир гектар иссиқхона майдонидан ўтган йили 100–120 тоннага яқин ҳосил олинди, унинг каттагина қисми Москва, Свердловск, Красноярск вилоятларига экспорт қилинди.

Фермер хўжалиги раҳбари Собир Шокировнинг сўзларига қараганда, мазкур технология асосида қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш қулай ва тежамкор. Асосийси уни ҳосил унмайидан худудларда ҳам бемалол қўллаш мумкин. Иссиқхонани кўздан кечирар эканмиз, унда яратилган шарт-шароитни кўриб ҳайратда қолдик. Тупроқ вазифасини бажарувчи, ҳар икки-уч йилда бир алмаштиришни талаб этувчи кокос пўстлогининг қишлоқ хўжалигида бу қадар асқотишини 5–10 йил илгари ким ҳам ўйлабди, дейсиз. Гап шундаки, кокос пўстлогини тупроққа нисбатан минерал ўғитларни кам «истеъмол» қилади ва ҳосил учун унумдор тупроқ вазифасини ўтайди.

Қишнинг қаҳратонида қўл келувчи маҳсус ишти хоналари ҳам сўнгги замонавий технология билан жиҳозланган. Биргина тугмачани босиб орқали сув ва хона ҳароратини илтиш, пардаларни очиб-ёпиш (ёруғлики меъёрида сақлаш учун зарур), кўчатларга бир хил миқдорда сув етиб боришни назорат қилиш мумкин. Фақатгина ушбу технологияни бошқариб турувчи малакали мутахассис бўлса бас.

Бу ютуқлардан илҳомланган фермер хўжалиги раҳбари иссиқхона майдонини 10 гектарга етказиб мақсадида «Ипак Йўли» АИТБдан йиллик 5,5 фоизли 4 миллион 500 минг АҚШ долларидан кредит олди. Айни кунда мазкур 10 гектарлик гидропоник иссиқхонада кўчатлар қадалган. Декабрь ойида эса биринчи помидор ҳосили йиғштирилиб, хорижга экспорт қилинади.

Гўзал МАЛИКОВА

ИҚТИСОДИЁТ

2018 йилнинг III чорагида иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳолат ва кутилмаларни ўрганиш натижалари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан III чоракада II чоракага нисбатан:

- иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ хатарларнинг (қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммоларнинг) сақланиб қолаётганлигини маълум қилган респондентлар улушининг ошганлиги;

- корхона ва ташкилотлар инвестицион фаоллигининг мазкур чоракада нисбатан суст даражада шаклланиб, инвестицияларни амалга оширган респондентлар улушининг камайганлиги;

- иш ўринлари сонининг ошганлигини маълум қилган респондентлар улушининг қисқарганлиги;

- ўз маҳсулотларига (ишлар, хизматларига) нархларни оширган корхоналар ва ташкилотлар улушининг ошганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, табиий газ ва электр энергияси таъминоти борасида ҳолат яхшилланган бўлса-да, мазкур муаммо кўпгина корхона ва ташкилотлар учун долзарблигича қолмоқда.

Шу билан бирга, экспорт фаолиятининг ривожланишига тўқинлик қилаётган омиллар ўрганилганда респондентлар томонидан асосан транспорт харажатларининг юқорилиги, экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнларнинг мураккаблиги ҳамда ташқи бозорларда корхона маҳсулотларига талаб ва нарх бўйича маълумотларнинг етарли эмаслиги қайд этилган.

cbu.uz

Ўзбекистон суғурта бозорининг ривожланиши жараёнида «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси фаолиятида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида бир қатор ижобий натижаларга эришди.

Жумладан, суғурта хизматлари сифатини ошириш ва ҳудудларда фаолият географиясини кенгайтириш, агентлик тармоғини ривожлантириш, долзарб суғурта маҳсулотларини жорий этиш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар кесимида фаол суғурта фаолиятини юритиш натижасида 137 млрд. сўм ҳажмда суғурта мукофотлари йиғилди. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баробар ошганидан далолат беради. Иштироий суғурта турлари бўйича йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 баробарга ўсиб, 114,2 млрд. сўмни ташкил этди. Мижозлар билан тузилган суғурта шартномалари бўйича 73 трлн. сўм ёки 9 млрд. АҚШ доллари миқдорида суғурта мажбуриятлари олинган.

Бу ҳақда Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси фаолиятининг жорий йил тўққиз ой ақсига бағишланган

«Ўзбекинвест»да ўсиш суръатлари юқори



анжуманда батафсил тўхталиб ўтилди.

– Суғурта ҳодисаси юз берганда мижозларнинг даъволарини имкон қадар тез кўриб чиқиш, уларнинг мол-мулки ёки соғлиғига етган зарарни ўз вақтида қоплаб бериш компания фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади, – дейди тадбирда сўзга чиққан «Ўзбекинвест» ЭИМСК бош директори ўринбосари Алишер Асатуллаев. – Шу боис, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида компания томонидан 7 400 га яқин суғурта даъволари кўриб чиқилиб, улар бўйича жами 26,5 млрд. сўмдан ортиқ суғурта қопламаси тўлаб берилди. Жисмоний шахслар билан ишлаш бўйича ёндашувни тубдан яхшилаш, мажбуриятлар аҳолисини суғуртанинг иштироий ва мажбурий турларига фаол жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида жисмоний шахслар кесимида 19 млрд. сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига қараганда 2,3 баробар кўп суғурта мукофоти йиғиш

таъминланган. Шу билан биргалликда, ҳудудларда, айниқса, чекка қишлоқларда ҳам суғурта фаолиятини ривожлантириш бўйича тадбирлар амалга оширилди. Натижада ҳудудий филиаллар томонидан 52 млрд. сўм ёки ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 1,5 баробар кўп суғурта мукофотлари йиғилди.

Маълумотларга кўра, компания имижини ва суғурта хизматларини тарғиб қилиш ҳамда аҳолининг суғурта қилишидаги хабардорлик даражасини ошириш мақсадида реклама-маркетинг фаолиятини фаоллаштириш бўйича ҳам тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, апрель ойида мажбурий автосуғурта полисини сотиб олган янги мижозлар ўртасида «Омадли полис соҳибини» ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида эса «Мен Ўзбекистонни севаман» акциялари ўтказилиб, голибларга замонавий қимматбаҳо маиший техника воситалари тақдим этилди.

Инновацион суғурта турлари жорий этилмоқда

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти томонидан республика ОАВ учун замонавий ва инновацион ғояларга таяниб яратилаётган ва амалиётга татбиқ этилаётган суғурта маҳсулотлари мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманда «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури ижроси ҳамда жамият томонидан олиб борилаётган кенг қўламадаги ишлар, мажбурий ва иштироий суғурта турлари бўйича янги яратилаётган маҳсулотлар хусусида сўз юритилди.

– Бугунги кунда «Ўзагросуғурта» АЖ республика миқёсидаги энг етакчи суғурта компанияси бўлиб, 14 филиал, 189 ҳудудий бўлинма, 567 агентлик шохобчалари орқали аҳолига суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда. Жо-



рий йил 9 ой ақсига кўра, Жамият томонидан 149,3 млрд. сўм суғурта мукофотлари тушуми таъминланиб, 33 млрд. сўм миқдорида суғурта товонлари тўлаб берилди, – деди «Ўзагросуғурта» АЖ Қайта суғурталаш ва халқаро муносабатлар департаменти бош менежери Миромил Турғунбоев ўз маърузасида.

Шунингдек, Жамият томонидан хорижга чиқаётган фуқароларга қўлайлик яратиш мақсадида миграция бўйича икки турдаги иштироий тиббий суғурта

турлари ишлаб чиқилди. Шу кунгача 4 500 га яқин фуқаролар мазкур тиббий суғурта полисларини харид қилишган бўлса, уларга 550,72 АҚШ доллари миқдорида суғурта товони тўлаб берилди.

Қолаверса, «Ўзагросуғурта» АЖ бугунги кунда Россия Федерациясининг бир қатор етакчи суғурта компаниялари билан ҳамкорликда янги инновацион суғурта турлари жорий этмоқда. Шулардан бири педиатрия йўналишидаги «Болажон шифокор»

суғурта туридир. Ушбу полисни харид қилган фуқаро уйдан чиқмаган ҳолда онлайн равишда 24 соат давомида энг яхши шифокорлар маслаҳатини олиши мумкин.

Яна бир тиббиёт йўналишидаги полис бу «Соғлиғинг ўз қўлингда» номи онкологик хасталикларга олдини олишга ва даволашга мўлжалланган суғурта полисидир. Ушбу полисга эга бўлган шахс касаллик борасидаги ташхисни аниқлаштириш, чет эл клиникаларида даволаниш каби бир қатор қўлайликлардан фойдаланади.

Қайд этиш жоизки, «Ўзагросуғурта» АЖ эришилаётган натижаларга кўра, суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурта ташкилотлари ичида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. «Анбор-Рейтинг» рейтинг агентлиги ҳам жамиятнинг жорий йил биринчи ярим йиллик натижалари таҳлилида миллий шкала бўйича «Барқарор» прогнози билан «uzA++» даражасидаги тўловга қобилиятлилик рейтингини тасдиқлагани бежиз эмас, албатта.

Анжуман сўнггида Жамият мутахассислари ва журналистлар ўртасида қизгин савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Тадбиркорлик субъектларига банк ҳисобварақларини масофадан туриб очишга рухсат берилди

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2018 йил 25 октябрда 1948-16-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.



Биринчидан, банклар томонидан банк ҳисобварақини очиш ва унга хизмат кўрсатиш чоғида тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр қўйиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлашни талаб этиш тақиқланди.

Тадбиркорлик субъектида муҳр мавжуд бўлган тақдирда ҳам ушбу тақиқ қўлланилади. Тадбиркорлик субъектлари турлари (якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, йирик бизнес) бўйича ҳам фарқланмайди.

Энди ҳужжатлар айланмасида фақат имзолар намуналари қўйилган варақчалардан (илгари – имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар) фойдаланилади. Тадбиркорлик субъектлари ва улар сирасига қирмайдиган хўжалик юритувчи субъектлар учун варақчаларнинг ян-

ги намуналари тасдиқланди. Иккинчидан, таъсисчилари Ўзбекистон резиденти – jisмоний шахслардан иборат бўлган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида миллий ва чет эл валютасидаги банк ҳисобварақини масофадан туриб очишлари мумкин.

Банк ҳисобварақини очишда банк ҳисобварақи шартномаси офертасини акцептлаш (яъни банк таклиф этаётган шартларга сўзсиз розилик бериш) йўли билан тузилади.

Шу билан бирга, юридик шахслар фақат имзолар намуналари қўйилган варақча (2 нусхада), шунингдек, биринчи ва иккинчи имзо эгаларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этгандан кейингина тўловларни амалга оширишлари мумкин. Банк ходимлари шахсий ҳужжатлардан нусха олиб, аслини қайтариб берадилар.

Тадбиркорларга энг кам иш ҳақининг 1000 бараваригача микрокредит берилади

Ҳукумат қарори билан «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.



Эндиликда микрокредитлар тадбиркорликни бошлаш ва ривожлантириш (кенгайтириш), шу жумладан, ишлаб чиқаришни технологик жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун замонавий технологик ускуналар ва техникалар сотиб олишга, шунингдек, айланма маблағларни тўлдиришга берилади.

Микрокредитлар тадбиркорликни ри-

вожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларни тўлдириш учун кичик тадбиркорлик субъектларига (шу жумладан, микрофирмалар, кичик корхоналарга), деҳқон ва фермер хўжаликларига 24 ойгача мuddат билан энг кам ойлик иш ҳақининг 1 000 бараваригача миқдорда берилади. Илгари бу миқдор 500 бараварни ташкил этган.

Облигацияларни тижорат банклари ўртасида жойлаштириш аукцион орқали амалга оширилади

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарор Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Қарор билан тасдиқланган низомга мувофиқ, Марказий банк облигациялари бу – облигация эгасига белгиланган мuddатда фоиз ҳисобиди купонли даромад олиш ҳуқуқини бе-

тимларида олди-сотди объекти бўлиши мумкин.

Облигациялар чиқарилиши алоҳида эмиссия тарзида амалга оширилади. Ҳар бир чиқарилган эмиссияга ўн белгили разряддан

- ▶ «1» - уч ой мuddатга;
 - ▶ «2» - олти ой мuddатга;
 - ▶ «3» - тўққиз ой мuddатга;
 - ▶ «4» - ўн икки ой мuddатга
- муомалада бўлган облигациялар учун.

Облигацияларни тижорат банклари ўртасида жойлаштириш аукцион савдолари орқали амалга оширилади.

Аукцион савдолари икки хил усулда ўтказилади:

▶ «америкача» усул – рақобатли буюртмалар уларда таклиф этилган фоиз ставкалари бўйича қондирилади;

▶ «голландча» усул – рақобатли буюртмалар чегириш фоиз ставкаси бўйича қондирилади.

Облигацияларни сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритиш валюта биржасида очилган «депо» ҳисобварақларида олиб борилади.

Облигациялар уларнинг муомала даври тугаган кундан кейинги иш кунини сўндирилади.



рувчи электрон шаклда чиқариладиган эмиссиявий қимматли қоғозлар эканлиги белгиланди.

Низомга кўра, облигациялар кредитлар учун гаров таъминоти ва РЕПО (облигацияларни белгиланган мuddат ва нархда қайта сотиб олиш мажбурияти билан сотиш бўйича икки томонлама ҳаракат) би-

(X1X2X3X4X5X6X7X8X9X10) иборат идентификацион рақам берилади ва Глобал сертификат билан расмийлаштирилади.

Биринчи разряд (X1) – «2» рақами қимматли қоғознинг турини кўрсатади.

Иккинчи разряд (X2) – қимматли қоғознинг муомала даврини кўрсатади:

СТАТИСТИКА

Ўзбекистон Республикаси товар-хонаш ё биржаси
2018 йил 22 октябрдан 26 октябргача бўлган
биржа (ички бозор) нархлари котировкаси

Маҳсулотларнинг номи	Жорий котировка* (сўмда тоннаси учун)	Нархлардаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
Соса-Cola 1,5L қадоқланган 6 ПЭТ 1,5л (дона)	34 554	—	0	0%
Fanta Apelsin 1,5L қадоқланган по 6 ПЭТ 1,5л (дона)	34 554	▼	-183	-0,5%
Автобензин АИ-80	4 340 613	▼	-26 696	-0,6%
Автобензин АИ-91	5 592 012	▲	6 933	0,1%
Автобензин АИ-95	9 783 122	—	0	0%
Азот-фосфор калий NPK 10:10:10 (қопда)	1 580 000	—	0	0%
Азот-фосфор ўғит (қопда)	1 251 671	▲	211	0,02%
Аммиак селитра «А» (қадоқланмаган)	1 043 032	▼	-33 017	-3,1%
Аммофос 46:10 (қопда)	2 826 255	▼	-124 730	-4,2%
Арматура 25 ст 35 ГС	5 486 651	▲	1 672	0,03%
Бетон қоришмаси БСТ В15 М-200 (куб.м)	380 000	—	0	0%
Қурилиш битуми БН 90/10	4 120 948	▼	-417 954	-9,2%
Дизель ёқилгиси	7 412 095	▼	-652 832	-8,1%
Дизель ёқилгиси ЭКО	7 921 141	▲	364 416	4,8%
Сўндирилмаган оҳак 1 нав (қопда)	601 800	—	0	0%
Карбамид (қадоқланмаган)	923 928	—	0	0%
Квадрат 20 ст 0 СП	5 682 900	—	0	0%
Техник керосин	7 131 667	—	0	0%
Озиқ-овқат сирка кислотаси, 70%	6 440 352	▼	-2	0,0%
Нефть кокси	1 450 045	▼	-637 795	-30,5%
Ем аралашмаси	1 228 233	▼	-9 147	-0,7%
Доира 100 ст 3 СП	5 637 450	—	0	0%
Линт 1-нав тип Б (класс олий)	3 163 625	▲	26 010	0,8%
Линт 2-нав тип Б (класс олий)	2 600 777	▲	225 777	9,5%
Лист г.к 16x1500x6000 мм 3 сп пс5	8 350 000	—	0	0%
Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л	8 086 922	▼	-1 774 084	-18,0%
Саноат мойи И-50А	6 363 564	▲	55 366	0,9%
Мотор мойи DELCOR GTI SuperSAE15w40APICI-4 (литр)	26 200	—	0	0%
Писта ёғи	6 398 802	—	0	0%
Рупонли фольгасиз гидроизоляцияцион том ёпиш материали, ТПП қалинлиги 4 мм (қв.м)	4 000 000	—	0	0%
Мис ўрамаси	51 986 019	▼	-121 025	-0,2%
Бугдой уни, 1-нав	966 613	—	0	0%
Бугдой уни, олий нав	2 393 744	▲	105 831	4,6%
Хўжалик совуни, 70% (дона)	1 913	▼	-13	-0,7%
Натрий бикарбонат – ош содаси, 1-нав (қопда)	2 888 567	▼	-2 323	-0,1%
Полипропилен J-550S	12 433 941	—	0	0%
Полиэтилен F-0120	16 016 464	—	0	0%
Портландцемент ССПЦ М-400 (қопда)	567 523	▲	1 546	0,3%
Сим 6,3 ст 3	7 533 616	▼	-151 024	-2,0%
Ем учун дон 3-класс	1 634 209	▲	117 954	7,8%
Ем учун дон 4-класс	1 845 287	▲	541 987	41,6%
Ем учун дон 5-класс	1 519 855	▲	319 601	26,6%
Шакар (импорт)	4 383 340	▼	-16 660	-0,4%
Суюлтирилган газ	3 602 312	▼	-192 916	-5,1%
Мойли солидол смазка	13 000 000	▼	-560 000	-4,1%
Кальцийлаштирилган сода (қопда)	1 381 914	▲	3 569	0,3%
Техник туз	202 500	—	0	0%
Алюминий қотишмалари АК7	14 650 000	▼	-55 999	-0,4%
Пўлат тунука г.к 6x1500x6000	7 680 000	—	0	0%
Пўлат сим ВР-1 д 5мм	6 850 000	—	0	0%
Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм	23 891	▲	232	1,0%
Шиша банка 3 л (дона)	1 938	▲	12	0,6%
Сульфат аммоний (қадоқланмаган)	648 861	▲	4 038	0,6%
Калий сульфати (қадоқланмаган)	8 572 488	—	0	0%
Суперфосфат (қадоқланмаган)	802 400	—	0	0%
Труба 15x2,8 (метр)	85 715	▲	3 024	3,7%
Пўлат квадрат труба 125x125-4,0 мм (метр)	114 744	—	0	0%
Бурчак 35 ст 3 СП	5 982 143	▲	6 559	0,1%
Кўмир СССШ-13	320 227	▼	-11 127	-3,4%
Швеллер 12	8 890 000	—	0	0%
Пахта чигити шелухаси	556 437	—	0	0%
Шифер 8 тўлқинли	32 909	—	869	2,7%
Шрот (кунгабоқар)	2 320 846	▲	170 001	7,9%
Шрот (соя)	6 500 000	▲	2 200 000	51,2%
Пахта чигити шроти (кунжараси)	985 877	▼	-4 777	-0,5%
Арпа	1 350 000	—	0	0%

* Маҳсулотлар котировкаси охири ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охириги савдо нархлари асосида шакллантирилади.

Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варагидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2018 йил 30 октябрдан бошлаб ўрнатилган
хорижий валюталарнинг сўмга
нисбатан расмий курси

Валюта номи	Курс	Курсдаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
1 АҚШ доллари	8 236,87	▲	10,77	0,13%
1 Евро	9 390,86	▼	-79,85	-0,84%
1 Россия рубли	125,19	▼	-0,57	-0,45%
1 Англия фунт стерлинги	10 568,73	▼	-182,78	-1,70%
1 Япония иенаси	73,62	▲	0,53	0,73%
1 БАА дирхами	2 242,67	▲	2,75	0,12%
1 Афғонистон афғониси	109,82	▲	1,08	0,99%
1 Арманистон драми	17,02	▼	-0,05	-0,29%
1 Аргентина песоси	223,93	▼	-1,26	-0,56%
1 Австралия доллари	5 843,24	▼	-13,74	-0,23%
1 Озарбайжон манати	4 865,25	▲	6,36	0,13%
1 Бангладеш такаси	96,85	▼	-0,21	-0,22%
1 Болгария леви	4 802,00	▼	-41,44	-0,86%
1 Бахрайн динари	21 866,44	▲	36,12	0,17%
1 Бруней доллари	5 970,04	▼	-2,15	-0,04%
1 Бразилия реали	2 261,26	▲	46,37	2,09%
1 Беларусь рубли	3 897,27	▼	-7,83	-0,20%
1 Канада доллари	6 285,29	▲	4,39	0,07%
1 Швейцария франки	8 263,31	▲	6,66	0,08%
1 Хитой юани	1 186,44	▼	-0,74	-0,06%
1 Куба песоси	8 236,87	▲	10,77	0,13%
1 Чехия кронаси	364,11	▼	-2,49	-0,68%
1 Миср фунти	461,19	▲	0,86	0,19%
1 Грузия лариси	3 075,75	▼	-5,19	-0,17%
1 Венгрия форинти	28,99	▼	-0,34	-1,16%
1 Исроил шекели	2 231,19	▼	-19,27	-0,86%
1 Ҳиндистон рупийси	112,13	▲	0,01	0,01%
1 Эрон риали	0,20	—	0,00	0,00%
1 Қирғизистон соми	118,69	▼	-0,15	-0,13%
1 Жанубий Корея вони	7,23	▼	-0,04	-0,55%
1 Қувайт динари	27 143,18	▼	-5,66	-0,02%
1 Қозғистон тенгеси	22,35	▼	-0,14	-0,62%
1 Малайзия ринггити	1 973,85	▼	-5,48	-0,28%
1 Польша злотийси	2 178,37	▼	-27,08	-1,23%
1 Сингапур доллари	5 970,91	▼	-1,28	-0,02%
1 Тожикистон сомониси	874,60	▲	1,29	0,15%
1 Туркменистон манати	2 360,13	▲	3,08	0,13%
1 Янги турк лираси	1 473,00	▲	14,86	1,02%
1 Украина гривнаси	291,47	▼	-1,33	-0,45%
1 СДР	11 397,44	▼	-39,31	-0,34%

ЎЗРБВ савдоларида АҚШ долларининг
сўмга нисбатан ўрнатилган
курси динамикаси

Сана	курс	USD/UZS		
		динамика	ўзгариш	ўзгариш (%)
2018 й. 28 сентябрь	8176,0	▲	5,00	0,06%
2018 й. 2 октябр	8174,0	▼	-2,00	-0,02%
2018 й. 3 октябр	8182,0	▲	8,00	0,10%
2018 й. 4 октябр	8179,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 й. 5 октябр	8187,0	▲	8,00	0,10%
2018 й. 8 октябр	8205,0	▲	18,00	0,22%
2018 й. 9 октябр	8203,0	▼	-2,00	-0,02%
2018 й. 10 октябр	8212,0	▲	9,00	0,11%
2018 й. 11 октябр	8209,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 й. 12 октябр	8215,0	▲	6,00	0,07%
2018 й. 15 октябр	8211,0	▼	-4,00	-0,05%
2018 й. 16 октябр	8220,0	▲	9,00	0,11%
2018 й. 17 октябр	8224,0	▲	4,00	0,05%
2018 й. 18 октябр	8233,0	▲	9,00	0,11%
2018 й. 19 октябр	8237,0	▲	4,00	0,05%
2018 й. 22 октябр	8234,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 й. 23 октябр	8239,0	▲	5,00	0,06%
2018 й. 24 октябр	8236,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 й. 25 октябр	8242,0	▲	6,00	0,07%
2018 й. 26 октябр	8237,0	▼	-5,00	-0,06%
2018 й. 29 октябр	8245,0	▲	8,00	0,10%

СТАТИСТИКА

«Тошкент» РФБ нархлари индекси

Сана	Нарх	Ўзгариш	ҚҚ сони (бирликда)	Савдолар ҳажми (сумда)
UCI				
29.10.2018	1 031,59	▼ -1.46	1 571 243	7 855 786 050
26.10.2018	1 033,05	▲ 0.95	8 905 986	9 504 069 450
25.10.2018	1 032,10	▲ 0.50	12 095 195	11 970 146,91
24.10.2018	1 031,60	▼ -0.58	280 668 330	1 059 004 577
23.10.2018	1 032,18	▲ 4.54	82 432	10 666 588,87
22.10.2018	1 027,64	▲ 1.39	108 638	21 552 347,82
19.10.2018	1 026,25	▼ -1.74	126 311	192 726 873
18.10.2018	1 027,99	▼ -1.69	24 916	27 996 640,80
17.10.2018	1 029,68	▼ -0.01	617 551	668 686 899,98
16.10.2018	1 029,69	▲ 0.88	7 976 482	1 253 231 163,04
Молия сектори				
29.10.2018	977,64	▲ 0.04	1 571 223	7 855 765 000
26.10.2018	977,6	▲ 6.26	8 894 300	9 472 548 050
25.10.2018	971,34	▲ 1.68	12 094 694	9 437 230,10
24.10.2018	969,66	▼ -2.93	280 628 045	993 335 027
23.10.2018	972,59	▲ 16.76	79 861	6 153 156,87
22.10.2018	955,83	▲ 5.01	98 693	73 032,82
19.10.2018	950,82	▼ -1.37	75 736	1 211 776
18.10.2018	952,19	▼ -8.29	20 408	287 575,80
17.10.2018	960,48	▼ -0.03	414 429	410 929 000
16.10.2018	960,51	▲ 3.43	7 974 469	1 221 093 513,04
Саноат				
29.10.2018	1 413,82	0	0	0
26.10.2018	1 413,82	▲ 0.43	12	132 000
25.10.2018	1 413,39	0	0	0
24.10.2018	1 413,39	0	0	0
23.10.2018	1 413,39	0	0	0
22.10.2018	1 413,39	0	0	0
19.10.2018	1 413,39	▼ -21.75	30 870	158 775 000
18.10.2018	1 435,14	0	0	0
17.10.2018	1 435,14	▲ 2.94	1 215	1 125 000
16.10.2018	1 432,20	▼ -0.28	10	10 000
Қурилиш сектори				
29.10.2018	2 457,54	▼ -89.73	20	21 050
26.10.2018	2 547,27	▼ -39.28	11 674	31 389 400
25.10.2018	2 586,55	▲ 4.62	501	2 532 916,81
24.10.2018	2 581,93	0	12 225	37 540 550
23.10.2018	2 581,93	0	0	0
22.10.2018	2 581,93	▲ 8.01	1 445	7 454 315
19.10.2018	2 573,92	▼ -8.01	205	1 065 097
18.10.2018	2 581,93	▲ 28.89	4 508	27 709 065
17.10.2018	2 553,04	▼ -8.26	201 907	256 632 899,98
16.10.2018	2 561,30	▲ 0.17	2 003	32 127 650
Агросаноат мажмуаси				
29.10.2018	1 874,61	0	0	0
26.10.2018	1 874,61	0	0	0
25.10.2018	1 874,61	0	0	0
24.10.2018	1 874,61	▲ 36.38	60	129 000
23.10.2018	1 838,23	▲ 70.63	2 565	4 503 700
22.10.2018	1 767,60	0	8 500	14 025 000
19.10.2018	1 767,60	▼ -74.91	19 500	31 675 000
18.10.2018	1 842,51	0	0	0
17.10.2018	1 842,51	0	0	0
16.10.2018	1 842,51	0	0	0
Ижтимоий соҳа				
29.10.2018	1 061,46	0	0	0
26.10.2018	1 061,46	0	0	0
25.10.2018	1 061,46	0	0	0
24.10.2018	1 061,46	0	28 000	28 000 000
23.10.2018	1 061,46	0	0	0
22.10.2018	1 061,46	0	0	0
19.10.2018	1 061,46	0	0	0
18.10.2018	1 061,46	0	0	0
17.10.2018	1 061,46	0	0	0
16.10.2018	1 061,46	0	0	0
Бошқа соҳалар				
29.10.2018	2 066,15	0	0	0
26.10.2018	2 066,15	0	0	0
25.10.2018	2 066,15	0	0	0
24.10.2018	2 066,15	0	0	0
23.10.2018	2 066,15	0	6	9 732
22.10.2018	2 066,15	0	0	0
19.10.2018	2 066,15	0	0	0
18.10.2018	2 066,15	0	0	0
17.10.2018	2 066,15	0	0	0
16.10.2018	2 066,15	0	0	0

Ахборот ва статистика бўлими томонидан «Тошкент» РФБ
(www.uzse.uz) маълумотлари асосида тайёрланди.

Масофавий банк хизматлари тизимидан фойдаланувчилар сони
2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига

№	Банклар	Юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар	Жами
1	ТИФ Миллий банки	18 873	815 788	834 661
2	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	56 887	97 768	154 655
3	«Агробанк» АТБ	76 272	1 633 031	1 709 303
4	«Ипотека-банк» АТИБ	26 088	89 935	116 023
5	«Микрокредитбанк» АТБ	9 258	155 355	164 613
6	АТ Халқ банки	22 618	2 487 344	2 509 962
7	ЧЭКИ «Савдогар» АТБ	2 747	5 111	7 858
8	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	3 403	91 946	95 349
9	«Туронбанк» АТБ	6 009	10 605	16 614
10	ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ	52 794	220 872	273 666
11	«Асака» АТБ	7 445	592 374	599 819
12	«Ипак Йўли» АИТБ	6 012	132 278	138 290
13	«Ziraat Bank Uzbekistan» АЖ	429	2 951	3 380
14	«Трастбанк» ХАБ	4 993	85 388	90 381
15	АТ «Алоқабанк»	5 692	180 633	186 325
16	«ҚДБ Банк Ўзбекистон» АЖ	1 266	16 862	18 128
17	«Туркистон» ХАТБ	1 073	1 272	2 345
18	Эрон «Содерот» шўба банки	38	305	343
19	«Универсал банк» ХАТБ	2 219	6 804	9 023
20	«Капиталбанк» АТБ	6 346	54 949	61 295
21	«Ravnaq-bank» ХАТБ	885	613	1 498
22	«Давр-банк» ХАТБ	5 326	8 766	14 092
23	«Invest Finance Bank» ХАТБ	5 294	39 775	45 069
24	«Asia Alliance Bank» АТБ	3 936	12 103	16 039
25	«Hi-Tech Bank» ХАТБ	511	5 632	6 143
26	«Orient Finans» ХАТБ	3 546	24 599	28 145
27	«Мадад Инвест Банк» ХАТБ	151	760	911
28	«Ўзагроэксспортбанк» АТБ	47	334	381
Жами		330 158	6 774 153	7 104 311

Муомаладаги банк пластик карталари, терминаллар,
банкоматлар ва инфокиосклар сони
2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига

№	Тижорат банклари	Муомаладаги банк пластик карталари сони	Ўрнатилган тўлов терминаллари сони	Ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони	Тўлов терминаллари орқали савдолар 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида (млн сумда)
1	ТИФ Миллий банки	2 009 807	24 308	446	3 748 055
2	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	825 509	14 617	163	2 848 959
3	«Агробанк» АТБ	2 396 727	31 632	547	2 535 823
4	«Микрокредитбанк» АТБ	960 569	15 684	32	1 883 050
5	АТ Халқ банки	3 988 744	30 819	109	3 765 995
6	ЧЭКИ «Савдогар» АТБ	260 812	7 200	86	1 173 163
7	«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	633 363	11 661	231	1 905 978
8	«Туронбанк» АТБ	448 430	5 940	174	1 186 976
9	ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ	574 488	18 668	587	3 606 469
10	«Асака» АТБ	1 780 194	11 096	127	1 875 350
11	«Ипак Йўли» АИТБ	681 569	10 469	152	2 476 627
12	«Ziraat Bank Uzbekistan» АЖ	29 666	133	0	34 733
13	«Трастбанк» ХАБ	252 431	5 450	132	2 553 232
14	АТ «Алоқабанк»	364 985	6 258	121	2 057 352
15	«Ипотека-банк» АТИБ	1 429 739	26 795	155	4 879 037
16	«ҚДБ Банк Ўзбекистон» АЖ	63 178	219	3	21 525
17	«Туркистон» ХАТБ	25 976	1 200	4	210 296
18	Эрон «Содерот» шўба банки	337	17	0	1 515
19	«Универсал банк» ХАТБ	56 709	1 640	3	302 194
20	«Капиталбанк» АТБ	503 068	5 105	2 556	1 842 776
21	«Ravnaq-bank» ХАТБ	25 607	283	14	120 057
22	«Давр-банк» ХАТБ	122 510	3 675	0	996 103
23	«Invest Finance Bank» ХАТБ	172 907	4 346	508	1 357 410
24	«Asia Alliance Bank» АТБ	169 944	3 646	109	2 115 819
25	«Hi-Tech Bank» ХАТБ	15 994	381	2	91 260
26	«Orient Finans» ХАТБ	189 941	2 862	54	1 019 250
27	«Мадад Инвест Банк» ХАТБ	3 330	191	0	20 975
28	«Ўзагроэксспортбанк» АТБ	205	0	0	1 539
Жами		17 986 739	244 295	6 315	44 631 516

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (cbi.uz) материаллари асосида тайёрланди.

F FINANCEUZ хабар қилади

Uzcardдан янгилик: комиссион тўловларсиз конвертация


Ягона умумреспублика процессинг маркази Uzcard карта эгаларига кенгайтирилган хизмат турини тақдим этиш мақсадида CINEO C4560 русумидаги янги банкоматларга тегишли дастурий таъминот ўрнатди. Бу, ўз навбатида, банкомат орқали хизмат турларини янада кенгайтди.

Бугунги кунда ушбу русумдаги банкоматлар Ўзбекистондаги бир қатор банклар томонидан харид қилинган бўлиб, маъмур CINEO C4560 русумидаги кўпқиррали банкоматлар жаҳондаги етакчи Diebold Nixdorf концерни томонидан етказиб берилмоқда.

CINEO C4560 банкоматларининг бошқа банкоматлардан фарқли жиҳати, карта эгаси хориж валютасидаги нақд пулларини банкомат орқали конвертация қилиш имкониятига эга. Ушбу банкоматга хизмат кўрсатувчи банк томонидан валюта курси белгиланади, бунда карта эгасидан комиссион тўловлар ечиб олинмайди.

Маъмур банкоматларга узлуксиз хизмат кўрсатиши учун барча хавфсизлик талабларига жавоб берувчи дастур ўрнатилган. Бу банкоматлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этиш – пул маблағларини ҳимоялайди ва хавфсиз ҳолда сақланишини таъминлайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, CINEO C4560 русумидаги янги банкоматлар одатий вазифалардан



ташқари, амалдаги бошқа банкоматлардан фарқли ўлароқ, бир қатор инновацион хизматларни тақдим этгани боис, анъанавий банкдаги бутун бир бўлимнинг ўрнини босиши ҳам мумкин.

Ҳозирда марказ томонидан бир қатор бошқа русумдаги банкоматларни интеграция қилиш, жумладан, GRG H68N NCR и Seif Serv6632 русумидаги банкоматларни ўрнатиш режалаштирилган. Ушбу русумдаги банкоматлар ҳам конвертация функциясини бажаради ва қатор инновацион хизматлар кўрсатади.



Рашит ВАЛИЕВ
хотирасига

Жорий йилнинг 28 октябрь куни тахририятимизнинг бош муҳаррири, фидойи инсон Рашит Лутфуллаевич Валиев 70 ёшида оламдан ўтди.

У ўз умрини охириги кунларгача матбуот ва ноширлик ишига бағишлади. Нафақа ёшига етган бўлса-да, ҳаётини меҳр қўйган касбисиз тасаввур эта олмайди ва сўнгги кунларида ҳам тахририят учун жон куйдирди.

Рашит ака серғайрат, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашадиган, атрофдагиларга кўмақдош инсон эди. Энг асосийси, у киши ёшларга меҳрибон устоз ҳам эди. Тахририятга келган ҳар бир ходимга алоҳида меҳр билан самимий муносабатда бўлар, ишидаги бирор камчиликни кўнглига ботмайдиган тарзда тушунтирар, ўз маҳорат ва тажрибалари билан ўртоқлашишдан чарчамас эди. Унинг бу фазилати тахририят жамоасини бир тану жон бўлиб ишлашга ундарди. Афсуски, энди у инсон орамизда йўқ. Шундай бўлса-да, у кишининг ёрқин хотираси доим қалбимизда яшайди.

Тахририятлар жамоаси Рашит Валиев оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этиб, ўз ҳамдардлигини билдирди.

«Банк ахборотномаси», «Банковские вести» газеталари, «Бозор, пул ва кредит» журнали тахририятлари жамоаси.

800 га яқин фуқаро тадбиркорлик фаолиятини қайта тиклади

Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари натижасида вилоятдаги 792 нафар фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти қайта тикланди ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши билан улардаги 5,3 млрд. сўм солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилди.

Маълумки, солиқ тизимидаги ўзгаришларга асосан, жорий йилнинг 1 апрелига қадар яқин тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахслар ва 2018 йил 1 апрелдан молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ёки фаолиятини вақтинча тўхтатган яқин тартибдаги тадбиркорларнинг мавжуд бўлган қатъий белгиланган солиқ ва ушбу қарздорлик учун ҳисобланган пенялар ҳамда молиявий жарималар бўйича қарздорлиги ҳисобдан чиқарилапти.

– Қатъий белгиланган солиқлар ва молиявий жарима бўйича тўпланиб қолган қарзларимни ту-



гати чорасини кўра олмай келаётган эдим, – дейди тадбиркор Дилмурод Абдулазизов. – Соҳа вакилларига давлатимиз томонидан берилган бундай имтиёз, солиқдан бўлган қарзим кечилишини эшитиб, бошим кўкка етди ва шу куннинг ўзидаёқ фаолиятимни қайта тикладим. Давлат солиқ хизмати орган-

лари ходимлари томонидан менинг 273,1 млн. сўмлик солиқ қарзларим ҳисобдан чиқарилди. Уйлайманки, ҳукуматимиз томонидан берилган бундай имкониятлар биз тадбиркорларни янги марралар сари ундаш билан бирга, мамлакат иқтисодиётига ўз ҳиссамизни қўшишда янада масъулият юклайди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Нашр учун масъул

Б. МУҲАММАДИЕВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЕРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Газета тахририятнинг
техник ускуналарига саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,
Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.
e-mail: info@banknews.uz,
www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
71 232-45-32 телефони
орқали мурожаат қилинг.
Факс: 71 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № г 1189.

Адади 3105 нуска.

Нархи шартнома асосида

Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табақда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 31.11.2018 й., 9.00.

12345